*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

**2013 йил 14 февраль, пайшанба, 06 (482)-сон**



**ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИГА ТАЙЁРМИСИЗ?**

4 Жараён



**АМАЛИЙ ИШЛАР ФАОЛИЯТ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН**

5 Масъулият



**ОРТГА АЙЛАНАЁТГАН ҒИЛДИРАК**

7 Халқаро ҳаёт

«Аёллар қаноти»

## АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАНДИР

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёллар сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимининг навбатдан ташқари йиғилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланди.**

«Аёллар қаноти»нинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудий бўлимларининг ўтган даврдаги фаолияти муҳокама этилган ушбу анжуманда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»си ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

3 ►►



Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Фракция Омбудсман ҳисоботини кўриб чиқди

O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН)НИНГ 2012 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ ВА БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Таъкидлаш жоизки, қизғин мунозаралар тарзида ўтган тадбирда депутатларимиз фракция ва Омбудсман ҳамкорлигини янада кучайтириш долзарб масала эканига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги шикоятлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш, уларни тиклаш юзасидан қонуний чора-тадбирларни амалга оширишдир, — деди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова. — Ҳисобот даврида 12826 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 7658 таси марказий офисимизга, 895 таси эса минтақавий вакилларга юборилган. Кези келганда, кейинги вақтда мурожаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенг қўлланилаётганини айтиб ўтиш керак.

2 ►►

Парламентда

# Фермер бой бўлса, қишлоқларимиз янада обод ва фаровон бўлади

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҲАМДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИ ҚЎШМА ЙИҒИЛИШИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «БОШ МАҚСАДИМИЗ – КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР, ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг йил якунларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳисси, ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг муҳими, уларнинг дунёқараши ўзгариб, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда.

Бугун фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми ҳам айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Қўшма йиғилиш иштирокчилари кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтирганига ҳам эътибор қаратдилар. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ривожида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган тадбир қатнашчиларининг фикрича, бугунги кунда фермер хўжаликларига ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ривожлантириш ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар парламентнинг ҳар икки палатаси вакиллари, айниқса, тегишли қўмиталар аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.



**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фермерлар кенгаши раиси:

**— Фермерлар кенгаши томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Унга биноан, 2013 йилда 17 мингта фермер хўжалиги (умумий миқдорга нисбатан 27 фоиз) кўп тармоқли субъектларга айлантирилади.**

Шунингдек, дастурда йил охиригача 8 минг гектарга яқин интенсив ва маҳаллий боғлар, 4 минг гектар токзорлар яратиш, 395 та хўжаликда гўшт, сут ва мева-сабзовотни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш, 1200 дан ортиқ фермер хўжалиги негизида балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш белгиланган. Энг муҳими, жами 740 миллиард сўм сарфланадиган бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларда 90 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

2 ►►

Лойиҳа



## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» — ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН

Пойтахтимиздаги 25 та олий ўқув юртларида «Келажак овози» ахборот хоналари очилади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ёшлар ташуббуслари маркази ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида ўқув юрти биносида махсус ахборот хоналари ташкил этилади. Унда талабалар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Келажак овози» ЁТМнинг ёшларга оид лойиҳалари билан яқиндан танишишади.

Бундан ташқари турли танлов, тақдимот ва семинар-тренингларда иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларини янада оширишлари мумкин. Шунингдек, йигит-қизлар ўтказилаётган танлов, грант ва стипендиялар ҳақида маълумот олиш, турли мавзулардаги семинар-тренингларда иштирок этишдан ташқари тенгдошлари фаолиятига оид турли тақдимот, акция ва қизиқарли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишлари мумкин бўлади.

**«Туркистон-пресс».**

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасида

# Жамоатчилик билан алоқалар янада кучайтирилиши керак

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА 2013 — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА ПАРТИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Маълумки, кенг кўламли ислоҳотларнинг етакчи кучи бўлган сиёсий партиялар, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаб, партия вакилларига овоз берган сайловчилар ва жойлардаги бошланғич ташкилотларни ягона бир занжир ҳалқаларига қиёсласак, улар билан доимий тарзда ахборот алмашинувини йўлга қўйиш қанчалар муҳим экани маълум бўлади.

2 ►►

## ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР МУСТАҲКАМ КЎПРИККА АЙЛАНАЯПТИ

**O`zLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳасида фаол қатнашган китоблик етти нафар ёш тадбиркорнинг бизнес лойиҳалари банклар томонидан молиялаштирилди.**

**O`zLiDeP аъзоси Мавжуда Ражабовага 30 миллион сўм ажратилган бўлса, ҳунарманд Дилбар Усмоновага лойиҳаси учун 28 миллион сўм кредит берилди.**

**Таъкидлаш жоиз, китоблик хотин-қизларнинг аксарияти каштачилик, тикувчилик билан шуғулланишади. Хусусан, «С.Раҳимов» маҳалласида яшовчи Кўпайсин опа ҳам ўн йилдирки, чеварчилик билан машғул. У «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда қатнашиб, тадбиркорликни ривожлантириш борасида билим ва кўникма ҳосил қилгач, оила аъзолари билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга аҳд қилди. Ҳунарманд банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, яна 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.**

**— «Мулкдор оила» лойиҳасига таклиф этишганида бироз иккиланган эдим, — дейди тадбиркор Инобат Ёқубова. — Аммо бугун ана шу лойиҳада иштирок этганимдан мамнунман. Бир неча йил аввал маиший хизмат маркази очгандим. Маблағ етишмаслиги туфайли ишимиз тўхтаб турган эди. Партия кўмагида 30 млн. сўм кредит олдим. Бунинг эвазига 6 кишини иш билан таъминладим. Шу ўринда кўпчилик опа-сингилларимиз O`zLiDeP лойиҳалари аҳоли бандлиги ва маъмурлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашмоқда.**

## НАМАНГАНДА 700 ТА ЯНГИ УЙ ҚУРИЛАДИ

**Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга Наманган вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2009 йилда вилоят миқёсида 87 та, 2010 ва 2011 йилда тегишли равишда 500 ва 555 та, 2012 йили 560 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қуриб битказилган бўлса, 2013 йил якунига қадар 700 та ана шундай уй фойдаланишга топширилади. Ўз навбатида, ана шу манзилларда қурилган 110 та ижтимоий инфратузилма объектларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатилаётгани, шунингдек, айни кунгача 62,2 км. газ, 48 км. электр, 60,9 км. ичимлик сув тармоқлари тортилиб, 42,5 км. йўл асфальтланганини айтиб ўтиш жоиз.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 2070,58 | 1 АҚШ доллари | ▲ 2010,08 | 1 Хитой юани | ▲ 322,53 | 1 Туркия лираси | ▼ 1136,02 | 10 Япония иенаси | ▲ 217,31 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 3176,13 | 1 Миср фунти | ▲ 299,38 | 1 Малайзия ринггити | ▲ 649,04 | 1 Швейцария франки | ▼ 2189,15 | 1 Россия рубли | ▼ 66,65 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 360,32 | 1 Исландия кронаси | ▼ 15,66 | 1 Польша злотийси | ▼ 647,89 | 1 ЕВРО | ▲ 2719,99 | 1 Украина гривнаси | ▲ 251,48 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 547,27 | 1 Канада доллари | ▼ 2001,87 | 1 СДР | ▼ 3081,49 | 10 Жанубий Корея вони | ▼ 18,35 | | |

# Фермер бой бўлса, қишлоқларимиз янада обод ва фаровон бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Яна бир янгилик – республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган «Деҳқон бозор»ларига рақобатдош бўладиган, фақат фермерлар етиштирган маҳсулотлар билан савдо қиладиган бозорлар ташкил этила бошланди. Айни шу жараён нарх-навонинг янада пасайишига хизмат қилиши табиий. Энг асосийси, ҳар бир туманда камида биттадан «Фермерлар ўқув маркази»нинг очилиши қишлоқ мулкдорларига замонавий технологияларни ўз фаолиятига жалб қилишда қатор қулайликлар яратади. Чунки бундай марказларда намунавий паррандачилик, асаларичилик, интенсив усулда балиқ етиштириш, боғлар барпо этиш, томчилатиб суғориш ва бошқа замонавий технологияларни жорий этиш бўйича илмий-амалий семинарлар ўтказиб борилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафини янада кенгайтириш мақсадида кенгашимиз томонидан кейинги йиллар учун ҳам алоҳида дастурлар тайёрлаш ишлари бошлангани бежиз эмас. Биз бунда нафақат ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларини ўрганиш, балки фермерларимиз яратган янгиликларни хорижда тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.





**Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар аграр соҳага оид қонунларни такомиллаштириш билан боғлиқ ишларимизни янада жадаллаштириш ва янги қонун лойиҳалари устида изчил иш олиб боришимизни тақозо этмоқда. Бу борада, авваламбор, фермерлар ҳуқуқини таъминлайдиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиши табиий. Зеро, айни шу жараён мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этади.

Амалдаги қонунлар ва Давлат дастурларининг ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти ва қўмита эшитувларини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни тегишли идораларга етказиш, ҳудудлар ва тармоқларни мутаносиб ривожлантиришга ҳисса қўшиш, аграр соҳада фойдаланилмаётган имкониятларни юзага чиқаришда фаол иштирок этиш ҳам устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда нафақат соҳада ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, балки қишлоқда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, хусусан, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ва бошқа масалалар бўйича консалтинг марказларини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини яратишга кўмаклашиш, қишлоқда саноатни ривожлантириш жараёнларига фермерларни янада кенг жалб қилиш, уларнинг импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун ҳам аниқ мақсадли тадбирларни ташкил этишимиз зарур.

Бугунги муҳокама кенгайтирилган таркибда ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Зотан, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма қарори билан тузилган Ишчи гуруҳи томонидан фермер хўжаликлари фаолиятидаги долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш йўлларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида доимий равишда муҳокама қилиб бориш тартибини белгилайдиган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилгани бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Ана шу тавсияларга мувофиқ, жойларда бевосита фермерлар билан яқин алоқада бўладиган туман фермерлар кенгаши аъзолари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб бориш асносида олинган маълумотлар атрофлича таҳлил этилади ва республика миқёсида умумлаштирилади. Бир сўз билан айтганда, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўла ижросини таъминлаш учун барчамиз бирдек масъулмиз.

**O`ZLIDEP УСТАВИДАН**

**Аграр соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиш орқали фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли бўлмиш фермерликни мустаҳкамлашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга ошириш баробарида, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш O'zLiDePнинг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир.**



**Зафар РЎЗИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири:

— Ҳали мустақилликка эришилмасдан аввал давлатимиз раҳбарининг шижоати билан аҳолига томорқа бўлиб берилганида, қишлоқда мулкдорлар қатламини яратиш таклифи илгари сурилганида кўпчилик бу сиёсатнинг нақадар узоқни кўзлаб амалга оширилаётганини англаб етмаганди. Мана, бугун орадан йиллар ўтиб, бутун дунёда озиқ-овқат таъминоти ўткир муаммога айланган бир вақтда Ўзбекистон бозорларининг қишин-ёзин тўкин-сочин бўлиб туриши ана шу ислоҳотларнинг амалдаги самараси эканига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу маънода айни пайтда аграр соҳанинг етакчи кучига айланган фермерлик ҳаракатига янада кўпроқ ваколатлар бериш бўйича бошланган ишлар ҳам узоқ истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсатдир, десак янглишмаган бўламиз.

Қувонарли томони, ҳозир фермерларимизнинг онгу тафаккури шунчалик ўзгардики, улар хом ашё етиштириш билан чекланиб бўлмаслигини теран англамоқдалар. Бунинг учун фермерга нима керак? Қулай шароит ва таъминот корхоналарининг барқарорлиги. Мамлакатимизда шундай тизим йўлга қўйилганки, бирорта фермер зарур ресурсларнинг мувофиқлаштирилган таъминотидан четда қолмайди.

Эндиликда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ бирорта масала фермерлар кенгашларининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.

Мазкур кенгашларнинг асосий вазифаси давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги ҳокимиятлар билан муносабатлар бўладими, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик бўладими, судларда ишларни кўриб чиқиш бўладими – ҳамма-ҳаммасида фермерларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.



**Абдухолик ЖАББОРОВ,**
O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ҳар қандай янги жараён янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни талаб қилади, албатта. Шунинг учун ҳам бевосита фермерлар манфаатини ифодаловчи O`zLiDeP фаоллари доимий муҳокамаларни ташкил этишда қатор омилларга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Жумладан, тавсияларни махсус қўлланма сифатида кўпайтириш, «Қишлоқ ҳаёти», «Фермер пресс» газеталари, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Агробизнесинформ» журналларида чоп этиш фермерлар учун энг қулай ва самарали йўл бўлади. Зеро, муҳокамалар ҳамда унда қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни жойлардаги фермерларга мунтазам равишда етказиб туриш Фермерлар кенгашининг обрўси янада ортишини таъминлайди.

Белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан масъул вазирлик ва идоралар амалга ошираётган ишлар бўйича қўмита эшитувларини ташкил этиш ва назорат-таҳлил тартибида ўрганиш 2013 йилдаги устувор вазифаларимизга киради. Хусусан, жорий йилнинг декабрь ойида қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ахборотини эшитиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ер ва Солиқ кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалаларида аниқ амалий таклифлар билан фаол иштирок этишимиз зарур. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили O`zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳига ана шундай таклифлар тақдим этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳага оид янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш масаласи 2013 йилдаги долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунончи, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида», «Асаларичилик тўғрисида», «Балиқчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тилга олиш мумкин.

**Озод РАЖАБОВ тайёрлади.**

# Фракция Омбудсман ҳисоботини кўриб чиқди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишда мурожаатларда келтирилган далилларни текшириш алоҳида ўрин тутади, албатта. Бошқача айтганда, 2012 йил давомида Омбудсман назоратида бўлган 2730 та мурожаатнинг 452 таси юзасидан ижобий қарорлар қабул қилинди.

– Шикоятларнинг хусусияти ва уларда кўтарилган масалалар ҳам ўзига хос кўрсаткич бўлиб, улар мавжуд муаммоаларни, айрим давлат органлари фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, – дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. – Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисобот билан танишар эканмиз, Омбудсманга келиб тушган мурожаатлар асосида 10 та хулоса тайёрлангани ва уларнинг 3 таси Олий судга, 7 таси Бош прокуратурага юборилганини кўриш мумкин.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари кўпроқ тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мониторинг натижаларига эътибор қаратдилар. Зеро, O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилганидек, партия ишбилармонлар эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда ўз аксини топиши, балки амалиётда унга қатъий риоя этилиши керак, деган ғояни илгари сурди.

Шу маънода «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижроси юзасидан Омбудсман томонидан ўтказилган мониторинг якунлари йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўтказилган тадқиқотлар бугун оилавий тадбиркорлик умумиқтисодиётимизда муносиб ўринга эга бўлиб бораётганини яна бир карра намоён қилди.

Йиғилишда Олий хўжалик суди томонидан қонунчилик ҳуқуқи ташаббуси асосида киритилган «Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Депутатларнинг фикрича, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари асосида тайёрланган мазкур қонун акциядор ва акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа хўжалик ширкатлари иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган низоларни (меҳнатга оид муносабатлар бундан мустасно) кўриб чиқиш ҳуқуқини хўжалик судларига ўтказишга хизмат қилади. Шунингдек, унга табдиркорлик субъектларининг хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларини электрон тарзда тақдим этиш, суд хабарномалари ва ҳужжатларини электрон почта орқали жўнатиш мумкинлигини тасдиқловчи нормаларни ҳам киритиш назарда тутилган.

Маълумки, фуқаролик судларида тадбиркорлик субъектларининг даъволари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш имконияти нисбатан чеклангани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, хўжалик низоларининг айнан ихтисослаштирилган судлар томонидан кўрилиши унинг муддатлари қисқаришини таъминлаши баробарида сифат даражасининг ошишига ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга хўжалик судларига мурожаат қилишда электрон ҳужжат алмашинувининг қонуний асосда йўлга қўйилиши тадбиркорларнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежайди. Энг муҳими, бу жараёнда коррупция аломатларининг юзага чиқиши олди олинади.

– Бу борадаги халқаро тажриба акциядор ва акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа хўжалик ширкатлари иштирокчилари ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низолар (меҳнатга оид муносабатлар бундан мустасно) арбитраж (хўжалик, иқтисодий) судларида кўриб чиқилишини кўрсатмоқда, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — Хусусан, кўплаб давлатларнинг Арбитраж ва Хўжалик процессуал кодексларида ҳам айнан шундай нормалар мавжуд. Шунинг учун ҳам ўрта қатлам манфаатини ифодалаётган партиямиз дастури ва Сайловолди платформасидаги йўналишларга таянган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уни имкон қадар тезроқ қабул қилиш таклифини илгари сурмоқдамиз.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг қайд этишларича, акциядор ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги хўжалик муносабатларига оид ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқи Хўжалик судларига ўтказилиши нафақат партия электорати, балки умумжамият манфаатларига ҳам тўла мос келади. Бинобарин, қонун лойиҳасидаги айрим камчиликларни ташаббускорлар билан ҳамкорликда бартараф этиб, уни янада такомиллаштириш устида бош қотириш энг муҳим вазифадир.

Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган яна бир муҳим жиҳат — тадбиркорлик субъектларининг даъво аризаларини электрон шаклда тақдим этиш масаласидир. Зеро, бугун ҳеч бир соҳани, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун юқорида тилга олинган фармоннинг 5-бандига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда тақдим этиш йўлга қўйилди. Бунинг учун Олий хўжалик судида марказлаштирилган электрон дастурий маҳсулот яратилиб, «Хўжалик судларига тадбиркорлик субъектлари томонидан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон кўринишда беришнинг вақтинчалик тартиби» тасдиқланди.

– Бугунгача Олий хўжалик судининг economical-court.uz манзилидаги сайтига 129 та мурожаат келиб тушгани ҳам бу тарзда ишлашга қизиқиш юқори эканини кўрсатмоқда, – дейди Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Шуҳрат Саидов. – 1 июндан бошлаб эса суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини юбориш ҳам электрон воситалар орқали амалга оширилади.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Янги** корхона

# ҚЎНҒИРОТНИНГ ЕТТИНЧИ ХАЗИНАСИ

**«Обод турмуш йили»да мустақил мамлакатимизнинг энг шимолий тумани аҳолисини сифатли ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида «Қўнғирот-Устюрт-темирйўлобод» паррандачилик фабрикаси янги саҳифа очадиган бўлди. 2013 йилда ушбу жамоа ўз истеъмолчиларига 7 миллион дона тухум ва 20 тонна парҳезли парранда гўшти етказиб беришни мақсад қилган.**

**— Фабрикамизда энг зотдор наслга мансуб 50 минг бош товуқ юксак зооветеринария талаблари асосида боқилмоқда. Хориждан келтирилган замонавий линия жаҳон андозаларига тўла жавоб беради, — дейди корхона раҳбари Жангабой Хўжамуратов. — Айни кунда Қўнғирот заминида улкан индустриал корхоналар барпо этилмоқда. Шу боис ўз қувватларимизни босқичма-босқич оширишни, темирйўлчилар билан бир қаторда кимё саноати аҳлига ҳам сара маҳсулот етказиб беришни режалаштираяпмиз.**

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

## Аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш энг долзарб масалалардандир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»



Тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова сўзга чиқиб, «Аёллар қаноти» фаолиятини такомиллаштириш механизмини қайта кўриб чиқиш, бу борада ҳудудлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлиги бугун барчамизга яхши маълум, — деди М.Акрамова. — Юртимиздаги етакчи сиёсий партиянинг вакиллари сифатида ушбу масалага эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган дастурларни босқичма-босқич амалга ошириш «Аёллар қаноти»нинг асосий вазифаларидан бири эканлигини унутмайлик.

Тадбирда қайд этилганидек, бугун мамлакатимиз хотин-қизлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, илм-фан, таълим, тиббиёт, тадбиркорлик ва фермерлик тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, иқтисодиётда банд бўлганларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 2 мингга яқин фермер хўжалигига бевосита аёллар раҳбарлик қилишмоқда. Бу, албатта, масаланинг бир томонидир. «Аёллар қаноти» хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда етакчи кучга айланиши лозим. Ана шундагина хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи янада мустаҳкамланади.

Кези келганда, «Аёллар қаноти» ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиш жоиздир. Чунки улар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2012 йилда O`zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан аҳоли ўртасида 3131 та давра суҳбатлари ташкил қилинди. Аёлларнинг касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жойларда 240 нафар хотин-қиз тадбиркорлик фаолиятига жалб этилиб, 650 нафар аёл иш билан таъминланди. Шу тариқа партия сафидаги опа-сингилларимиз сони 2652 нафарга ортди.

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда 441 та туркум тадбирлар ўтказилди. Ушбу жараёнда 70 дан ортиқ фаол хотин-қизларимиз кадрлар захирасига олинди. Бу яхши, албатта, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг Аёллар масалалари бўйича раиси ўринбосари Раъно Ҳожимуҳаммедова. — Бироқ фаолиятимизни янада такомиллаштириш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Қолаверса, зиммамиздаги юксак партиявий бурч шуни тақозо этади.

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини янада такомиллаштириш, бу борада ижтимоий шерикчилик тамойилларига қатъий риоя қилиш зарурлиги таъкидланиб, жамият тараққиётининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Йиғилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда ишлаш «Аёллар қаноти»нинг муҳим вазифаларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Биз барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз, — дейди Ҳамза тумани «Умид» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зуҳра Холматова. — Аммо O`zLiDeP тадбиркор ва мулкдорлар ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Шу боис унинг сафлари тобора кенгаймоқда. Қолаверса парламент қуйи палатасида энг катта фракцияга эга бўлган етакчи партиянинг тадбиркорликка оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш борасидаги ўрни ва аҳамияти нафақат маҳалламиз, балки юртимиздаги барча ишбилармон аёллар учун ниҳоятда муҳимдир.

O`zLiDeРнинг вилоят ва туман кенгашларидаги аёллар билан ишлаш бўлимлари фаолияти таҳлилига бағишланган тадбирда қонунчилик амалиётидаги янгилик ва ўзгаришларни хотин-қизлар аудиториясига етказишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeРдан сайланган депутатлар иштирокини янада кучайтириш, 2013 йилга мўлжалланган партия Ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, бу борада партия сайти ва нашри имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан ҳам таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида «Обод турмуш йили»да партиянинг «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи», «Хотин-қизлар инновацион ривожланиш тарафдори», «Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи куч» каби ўнлаб янги лойиҳаларнинг аниқ натижаларини таъминлаш муҳим эканлиги қайд этилди.

**ЙИҒИЛИШ ЯКУНИДА «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА ПАРТИЯНИНГ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН «ЗАМОНАВИЙ АЁЛ — БУНЁДКОР, ЕТАКЧИ», «ХОТИН-ҚИЗЛАР ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ТАРАФДОРИ», «ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ» КАБИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АНИҚ НАТИЖАЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ЭКАНЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

## 2013 йил — обод турмуш йили



**Шоҳиста МАДЯРОВА,**
**O`zLiDeP Ангрен туман кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, «Шахлия» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Айни пайтда хотин-қизларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Хусусан, атрофига 1300 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган O`zLiDeP Ангрен туман кенгаши ҳам ўз фаолиятида ана шу имкониятлардан фойдаланмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аёллар бандлигини таъминлаш, уларни оилавий бизнес ва тадбиркорликка йўналтиришда партиямиз аъзолари алоҳида жонбозлик кўрсатаяптилар. Бугунги йиғилишда эса фаолиятимизни яна бир бор таҳлил этиб, «Обод турмуш йили»даги асосий йўналишларни белгилаб олдик.



**Нодира МАЪМАТОВА,**
**O`zLiDeP Мирзо Улуғбек туман кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилингани, энг аввало, оилаларга эътиборни кўчайтиришни тақозо этади. Турмушимиз ободлиги ва файз-баракаси, албатта, оиладаги соғлом муҳитга боғлиқ. Шунинг учун ҳам жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларда келажак авлод тарбиячиси бўлган аёлларни турли ахборот хуружларидан огоҳ қилиш, фарзанд тарбиясига янада эътиборли бўлиш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз аксини топган.

Бугунги тадбирда ана шу масалаларнинг жойлардаги ижроси билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.



**Сурайё ПЎЛАТОВА,**
**Шайҳонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари:**

— O`zLiDeРнинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури талабларидан келиб чиқиб, туманимиздаги хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб этиш ва касаначиликни изчил ривожлантиришга асосий эътибор қаратаяпмиз. Чунки меҳнатнинг ушбу турлари бола тарбияси билан шуғулланаётган ёш оналаримизга ҳам оила даромадига ҳисса қўшиш имконини беради.

Аҳоли, шу жумладан, аёллар ва ёшлар манфаатини муҳофаза этишда, аввало, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бунда жойлардаги аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига бугунги тадбирда алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, аёлларнинг муносиб ҳаёт кечириши, мавжуд муаммоларни оқилона ечиш борасидаги бир қатор таклифлар фаолиятимизни жонлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

## Жамоатчилик билан алоқалар янада кучайтирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Ижроия қўмита йиғилишида бугунги шиддаткор давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотлар моҳияти ва натижалари аҳамиятини энг чекка ҳудудлардаги аҳоли, айниқса, партия аъзоларига етказиш, партиянинг парламентдаги фаолиятидан тортиб энг намунали бошланғич ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига киритилаётган долзарб масалалар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилиш, партия фаоллари ишини кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев, O`zLiDeP фракцияси раҳбари Б.Якубов, Сиёсий Кенгаш аъзоси Р.Охунов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоевлар айни шу масалаларга тўхталиб, электорат манфаатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунчилик ташаббуслари, аёллар, ёшларга оид партия сиёсатини кенг тарғиб этиш орқали матбуот хизмати фаолиятини янада кучайтириш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозимлигини қайд этдилар.

Гарчи Матбуот хизмати томонидан ўтган давр мобайнида тизимли ишлар, бир қатор оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлса-да, бу борадаги ишлар янада кучайтирилишини партиянинг 2013 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ҳам тақозо этмоқда.

O`zLiDeP Матубот хизмати раҳбари Л.Юннинг ахборотида ҳам бу борадаги муайян натижаларга қарамай, 2013 йилга мўлжалланган иш режаси йиғилишда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида қайта кўриб чиқилиши таъкидланди.

Йиғилишда, шунингдек, матбуот хизмати фаолиятини профессионал журналистлар билан кучайтириш, вилоят кенгашларидаги матбуот хизматларига ҳам тажрибали журналист кадрларни жалб этиш тўғрисида таклифлар билдирилди.

# ХАБАРЛАР

### ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА — СЕРТИФИКАТ БИЛАН

Миллий ҳунармандчиликнинг ноёб тури — ипак каштачилиги билан шуғулланаётган уйчилик Мадина Ортиқова яқинда қўли гул чевар қизларни ёнига олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди.

— Дастлабки бизнес сабоқларини туман марказида фаолият кўрсатаётган «Санам-Уйчи» масъулияти чекланган жамиятида ўзлаштирганман, — дейди М.Ортиқова. — Бу ерда кўплаб ҳунарманд аёллар уч ойлик машғулотлардан сўнг махсус сертификатлар олиб, касаначилик асосида оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқдалар.

Наманган вилояти ахборот хизматидан хабар қилинишича, МЧЖ фаолият бошлагандан буён ўтган уч йил давомида махсус курсларни ўтаган 100 нафардан ортиқ ҳотин-қиз айни пайтда ипак каштачилиги, зардўзлик ашёлари, болалар ва катталар либосларини тайёрлаш билан шуғулланаяпти.

### ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ СЕМИНАР

Фарғона шаҳрида O'zLiDeP вилоят кенгаши ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда имконият ва преференциялар» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг яқинда иш бошлаган тадбиркорлари ҳамда фермерлар қатнашган тадбирда лизинг компаниялари ва молиявий муассасалар томонидан яратилаётган қулайликлар ҳақида маълумотлар берилди. Тадбир давомида, шунингдек, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологиялар кўргазмаси ташкил этилиб, ишбилармонлар лизинг ҳамда молия муассасалари билан шартномалар имзоладилар.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ тайёрлади.**

### **Озод юртнинг** обод оиласи



Солиҳ ЗОИР олган сурат

***Маълумки, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасига давлат томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Жорий «Обод турмуш йили»да эса бу масала, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.***

***— Оиланг тинч ва фаровон бўлса, ҳар қандай хизмат ҳам осон кечади, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг ўқитувчиси, майор Аброр Назиров. — Масалан, хизматдан қайтганингда оиланг очиқ юз билан пешвоз чиқса, болаларинг «дадам келдилар», деб елкангга осилса, кайфиятинг кўтарилади.***

***Ҳақиқатан ҳам бу борада қаҳрамонимизнинг бахти чопган. Турмуш ўртоғи Шоира Холиқова умумтаълим мактабида ёш авлодга таълим бериш билан бирга фарзандлари Насиба ва Озодахоннинг севимли тарбиячиси ҳамдир. Оилалар тинч ва фаровон юртнинг эса осмони ҳам мусаффо бўлади, албатта.***

«XXI ASR»
2013 йил 14 февраль,
пайшанба,
06 (482)-сон



web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёрмисиз?

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ КУЧНИНГ САЙЛОВЧИЛАР ВА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАВҚЕИ АСОСАН УНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР

**Ўз мухбиримиз**





**O'ZLIDEP УСТАВИДАН**

**Бошланғич партия ташкилоти ташаббускор ва ишчан бўлиши, партиянинг тактик вазифаларига мувофиқ иш шакли ва услубларини тез ўзгартириш қобилиятига эга бўлиши ва аҳолининг долзарб, кундалик муаммоларини ҳал этишда амалий тадбирларни бажариш билан шуғулланиши керак.**

Хусусан, сайловлар даврида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳамда белгилаб олинган устувор йўналишлар ижроси ҳам ана шу бўғинлар кўмагисиз амалга ошмайди.

Тадбиркор ва ишбилармонлар, қишлоқ мулкдорлари бўлган фермерлар манфаатини ифодалаётган O`zLiDeP ҳам ана шу масала моҳиятидан келиб чиқиб, жойларда ислоҳотлар самарадорлиги, демакки, бу жараёнда муҳим роль ўйновчи БПТлар фаолиятини доимо таҳлил қилиш ва улар иш услубларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса бу борадаги энг муҳим жараён ҳисобланади. Маълумки, мазкур тадбирларда қуйи ва юқори партия ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар яна бир бор тафтиш қилиниб, мавжуд алоқалар мустаҳкамланади. БПТлар фаолиятининг партия Устави ва Дастури талабларига жавоб бериши учун тўсқинлик қилаётган муаммолар аниқланиб, электорат манфаати билан боғлиқ масалалар юзасидан таклифлар жамланади.

Айнан ҳисобот-сайлов йиғилишлари даврида ҳар бир БПТ фаолиятига холис баҳо бериш баробарида, улар ишини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Бу эса пировардида қуйи бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнига таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Таъкидлаш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг 2012 йилги амалиёти ҳам ўз натижалари билан мазкур жараёнда кутилган мақсадларга хизмат қилди. Жумладан, 2012 йилнинг 27 февраль — 17 апрель кунлари жами 7668 та БПТда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида деярли барча партия аъзолари иштирок этиб, БПТ раисларининг фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Энг асосийси, қуйи бўғинларнинг давр талаблари даражасида иш юритиши учун муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сир эмас, ҳар қандай тузилманинг самарали фаолият кўрсатиши уларнинг бошқарув тизими ҳолатига, раҳбар кадрларнинг тайёргарлиги ва маҳоратига, бир сўз билан айтганда, тизимнинг сифат кўрсаткичларига боғлиқдир. Шу боис 2012 йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида БПТ етакчиларининг фаолияти кўриб чиқилиб, 1088 та БПТ раиси янгидан, 6580 та БПТ етакчиси қайтадан сайланди. 1014 нафар фаол партия аъзоси эса раҳбар кадрлар захирасига олинди.

Ана шу жараёнда тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши партия аъзолари ва бошланғич ташкилотлар сафининг кенгайишига ҳам олиб келгани алоҳида қайд этилаяпти. Хусусан, 2012 йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида БПТлар сони 23 тага кўпайди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2013 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бошланғич ташкилотларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида»ги қарори эса бу жараён изчил давом этаётганини кўрсатмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, жорий йилнинг 15 февралидан 20 апрелига қадар бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш белгиланди.

Шу ўринда жойлардаги БПТларда ҳисобот-сайлов йиғилишларининг талаб даражасида ўтказилишини таъминлашда вилоят ва туман кенгашлари зиммасига улкан масъулият юклатилганини таъкидлаш лозим. Зеро, партия кенгашларининг минглаб БПТ ва партия аъзолари билан тўлақонли иш олиб бориши ниҳоятда мураккаб вазифадир. Бу эса яна БПТларга таяниб, кучли сиёсий фаолият орқали иш самарадорлигини ошириш мумкинлигини кўрсатади. Ижроия қўмита қарорида белгиланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ўтказиш, натижалар бўйича мониторинг юритиш, БПТлар ва уларнинг етакчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини қайта шакллантириш, партия аъзолари сони ва сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратиш айниқса муҳимдир. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари қошида янги бошланғич ташкилотлар тузиш бўйича режа ишлаб чиқиш, БПТ хоналарини тарғибот-ташвиқот воситалари, дастурий кўрсатма ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш, БПТ раисларига юқори партия ташкилотларининг қарор, фармойиш ва топшириқларини ўз вақтида етказиш ва улар ижроси устидан назорат ўрнатиш вазифалари юклатилган.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида, энг аввало, бошланғич ташкилотнинг 2012 йилдаги фаолияти юзасидан БПТ етакчиси ёки ўринбосарининг ҳисоботи эшитилиб, етакчиларни сайлаш масаласи кўриб чиқилади. БПТнинг 2013 йил учун иш режаси муҳокама қилиниб, таклиф ва тавсиялар умумлаштирилади.

Энг муҳими, мазкур тадбирлар давомида Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросини таъминлашда БПТлар иштироки кўриб чиқилади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидан олинган маълумотга кўра, ҳисобот-сайлов йиғилишлари кун тартибидан электорат фаолиятига доир бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш масаласи ҳам ўрин олган.

Бир сўз билан айтганда, «Обод турмуш йили» бошиданоқ O`zLiDeP қуйи бўғинларга юқори эътибор қарата бошлади. Тадбир қандай натижалар билан якунланишидан қатъий назар, у ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлар ишини янада жонлантириш, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, энг муҳими эса қуйи ташкилотларнинг кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

# ХАБАРЛАР

## МЕВАЛАРГА ТЎЙМОҚЧИМИСИЗ, УНДА ҚИЗИЛТЕПАГА КЕЛИНГ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги мева, сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган 94 та фермер хўжаликларининг 1198 гектар ерида турли хилдаги ноз-неъматлар етиштирилади.

Ҳудудда 2011-2012 йиллар мобайнида умумий ҳажми 750 тоннадан зиёд сиғимга эга бўлган совутгичларнинг бунёд этилгани ҳатто қўшни вилоятлар аҳолисининг ҳам қиш-баҳор ойларида сархил неъматлардан баҳраманд бўлишига имкон яратди. Маълумотларга кўра, ўтган йили омборхоналарга жамғарилган 460 тонна мева-чева ҳамда 190 тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари айни кунда бозорларга чиқарилган.

Эътирофли жиҳати шундаки, мавжуд 6 та иншоотнинг 5 таси тадбиркорлар маблағи ва уларга тижорат банкларидан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобига бунёд этилди.

Туман иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси Саттор Тойировнинг таъкидлашича, жорий йил охиригача «Чорбоғобод» ИЧСФда 75 тонна, тадбиркор Феруз Қудратов томонидан 50 тонна сиғимга эга бўлган янги совутгич ишга туширилади. Мавжуд қувватларни ошириш ҳисобига «Усто Қодир» фермер хўжалигида қўшимча равишда яна 100 тонна ҳамда якка тартибдаги тадбиркор Бекмурод Эргашев омборхонасида 50 тонна маҳсулот асраш мумкин бўлади.

**Мансур АСЛОНОВ тайёрлади.**

## КРЕДИТ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШДА ҚЎЛ КЕЛДИ

Зиёда Ҳайитовага Қарши шаҳри аҳли «Пардачи аёл», дея таъриф берган. Кўп йиллардан буён замонавий ва бежирим пардалар тикиб, мижозларни мамнун этаётган тадбиркор аёлга имтиёзли кредит ажратилгач, ишловчилар сони яна 5 нафарга кўпайди.

— Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлди, — дейди қаршилик тадбиркор. — Тадбиркорлик билан шуғулланганимга ўн йилдан ошди. Хонага мос ёрқин рангларни танлаш, энг сўнгги услубда тикиб, ўрнатиб бериш анчайин мушкул иш. Замондан орқада қолмаслик учун ишлаб чиқаришни янгилаб туриш керак. Ишимни ривожлантириш учун маблағим етарли эмаслиги боис замонавий тикиш ускуналарини сотиб олиш учун «Миллий банк» Қарши амалиёт бўлимига мурожаат қилдим. Қисқа фурсатда имтиёзли шартлар асосида менга банк томонидан 30,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Энди ўз олдимга ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйдим.

**Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.**

**Савол беринг,** жавоб берамиз!

***Мен Бухоро шаҳрида Украина давлати билан ҳамкорликда қўшма корхона очмоқчиман. Айтингчи, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун қайси ташкилотга мурожаат қилишим керак?***

**С.Аҳмедов, Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси.**

— Мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, унда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Ана шунга кўра, Сиз истаган пайтда Бухоро вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Саволга Бухоро вилоят адлия бошқармаси ходими Фаррух МУРОДОВ жавоб берди.**

Реклама ўрнида

# Молиявий барқарорлик — муваффақият омили

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИДАН АВВАЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ПАСТ РЕНТАБЕЛЛИ КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАШҚИ ТАЪСИРЛАРГА НИСБАТАН БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛДИ



Натижада кейинги йиллар мобайнида экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга эришилаяпти. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсаддир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шу маънода ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу фармон талабларидан келиб чиқиб, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам асосий эътиборни жойларда пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қаратаётир. Бу эса ўз натижаларини бераяпти. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 67 та иқтисодий ночор корхона Миллий банк балансига ўтказилиб, уларни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 157 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция маблағлари йўналтирилди.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА, **67 ТА** ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНА МИЛЛИЙ БАНК БАЛАНСИГА ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ УЧУН **157 МЛРД. СЎМДАН** ОРТИҚ ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАҒЛАРИ ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

Айни пайтда 35 та корхона, шу жумладан, Миллий банк уларнинг устав фондларига қўшган 585,6 млрд. сўм миқдоридаги улушлар билан бирга ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қайта йўлга қўйиш ва маҳсулотни сотишда етарли тажрибага эга бўлган хорижий инвесторларга сотилди. Янгидан ташкил этилган йирик тўқимачилик корхоналари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар тараққиёт йўлидан бориб, ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодий фойда келтира бошлади. Хусусан, 2009-2012 йиллар мобайнида Қашқадарёдаги «Oq Saroy Textile» МЧЖда 103,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 54,4 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Шу ҳисобдан 581 та янги иш ўрни яратилди. Тошкент вилоятидаги «Chinoz Textile» МЧЖда 83,5 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 36,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди ва 574 та иш ўрни ташкил этилди. Хоразм вилоятидаги «Horazm Gilamlari» МЧЖда 38,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 377,9 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 685 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Asia Pipeplast» МЧЖда 5,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг ҳисобига 94 киши ишли бўлди. Андижонда ҳам ана шундай корхоналар молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, «Asaka MAK» масъулияти чекланган жамияти 10,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва бу ерда 96 та иш ўрни очилди. Ана шу вилоятдаги «Royal Silk» МЧЖда эса 7,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 267,4 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 70 дан ортиқ иш ўрни ташкил қилинди.

Банкрот, деб эълон қилинган «Фарғона фуранли бирикмалар кимё заводи» эса Миллий банк кўмагида «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖга айлантирилгач, ишлаб чиқариш жараёни қайта тикланди. Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Янги завод фаолиятини йўлга қўйиш учун Миллий банк томонидан 1,7 млрд. сўм миқдорида пул маблағлари ажратилгани туфайли ўтган даврнинг ўзида жами 2,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 729,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга йўналтирилди. Ҳозирги кунда корхонада 500 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Энг муҳими, маҳсулот турларини кўпайтириш ва ҳажмини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Банкрот бўлган «Агрокерамика» қўшма корхонаси негизида ташкил қилинган «Keramik Modern» МЧЖ ҳам Миллий банкнинг молиявий ёрдами туфайли оёққа турди. Ушбу корхона асосан турли сопол плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, уни қайта тиклаш, модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун Миллий банк томонидан 1,6 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2010-2012 йиллар давомида 4,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 79 та иш ўрни вужудга келтирилди.

Технологик жиҳатдан янгиланган ва фаолияти банк маблағлари ҳисобига қайта тикланган корхоналар янги инвесторларнинг эътиборини жалб қилиши табиий. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг бозор қийматини аниқлаш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Банкнинг «Keramik Modern» МЧЖ устав фондидаги юз фоизлик улуши «Республика мулк маркази» ЁАЖ орқали биржа савдоларига қўйилди. Натижада корхона янги мулкдорга эга бўлди.

Янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, фаолияти қайта тикланган корхоналарни сотиб олиш истагидаги инвесторларни аниқлаш учун банк томонидан иккита шўъба инвестиция компанияси — «NBU Investment» ва «NBU Invest Group» ташкил қилинган бўлиб, бу ўзининг амалий самарасини бермоқда. Иқтисодий изланишлар туфайли ўтган йили янги инвесторларга сотилган корхоналарда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 508,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 16 мингта янги иш ўрни яратилди.

**Миллий банк матбуоти маркази хизмати.**



**ХОРАЗМ.**
«Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта махсус таълимнинг аҳамияти» — O`zLiDeP Янгиариқ туман кенгашида ана шу мавзуда ўқув-семинар ташкил этилиб, унда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида баён этилган хулосалар асосида фикр юритилди.



**САМАРКАНД.**
Қўшработ тумани Фермерлар кенгаши қошидаги БПТда Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари ижросига бағишланган мулоқот ташкил этилди.



**АНДИЖОН.**
Шаҳрихон туманида жойлашган «Беназир хоним» хусусий корхонаси қошидаги БПТда «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



## Амалий ишлар фаолият мезонига айлансин

**АЙНИ ПАЙТДА O`ZLIDEP КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАН ТАШҚАРИ ТИББИЁТ, ТАЪЛИМ, ФАН, МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИНИ ОШИРИШДА ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА**

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»



Мазкур соҳа вакилларининг янада самарали фаолият олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш жойлардаги қуйи ташкилотларнинг диққат-эътиборидадир.

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти ҳам 2004 йилдан буён 17 нафар партия аъзоси тимсолида соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпти. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Дилором Мардонова раҳбарлик қилаётган ушбу бирлашмада Г.Тўрақулова, Р.Шоқулов, У.Музаффаров, М.Ҳамроева ва М.Раимова каби партия аъзолари O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиш орқали сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришда ўрнак бўлмоқдалар.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантиришда фақат амалий натижаларни мезонга айлантириш лозим, — дейди Дилором Мардонова. — Бунда, шубҳасиз, ҳамкор ташкилотлар ҳамда етук мутахассислар кўмагига таянаётирмиз. Масалан, ўтган йили O`zLiDeP шаҳар кенгаши, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ учрашув, давра суҳбати ва семинар-тренинглар ўтказиб, соғлиқни сақлаш соҳасига оид янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ҳудудий дастурларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга ҳаракат қилдик.

**O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН**

**«Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожи, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади».**

Айни пайтда ўтказилаётган тадбирларда асосий эътибор Президентимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзуидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилмоқда. Унда мазкур йўналишда белгилаб берилган устувор мақсадлар асосида «Обод турмуш йили»да амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотининг ўтган йилдаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Бу каби чора-тадбирлар БПТнинг жорий йилдаги фаолиятини янада такомиллаштириш, иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, БПТ қайси соҳа вакилларини бирлаштиришидан қатъий назар, либерал-демократик ғоялар тарғиботига асосий эътибор қаратиши, фақат ташкилот муаммолари билан чекланиб қолмасдан, ўз ҳудудида ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиши, улар ечимига оид таклифларни ишлаб чиқиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ фаоллари айнан ушбу тамойилга амал қилган ҳолда иш юритишмоқда.

Ўрни келганда БПТ фаолларининг яна бир саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам доимо уларнинг диққат-марказидадир. 161 нафар олий маълумотли мутахассис шифокор фаолият кўрсатаётган ушбу бирлашмада ўтган йилнинг 9 ойи давомида тиббиёт билим юрти битирувчиларидан 71 нафари иш билан таъминланди. Қолаверса, тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган ёшлар учун алоҳида ўқувлар, соҳага тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда очиқ мулоқотлар ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир.

— БПТлар фаолиятига мутлақо янгича қараш ва муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди O`zLiDeP Когон шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Дилбар Шарипова. — Юқорида таъкидланганидек, бирор бир ташкилотда БПТ тузилиши — партия аъзоларининг фақат шу корхона ва унинг меҳнат жамоаси муаммолари билан «ўралашиб» қолишини англатмаслиги лозим. Биз Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошидаги бошланғич ташкилот мисолида муайян тажрибага эга бўлдик. Партиямиз фаоллари қайси касб эгалари бўлишидан қатъий назар, юртимизда ва дунёда кечаётган сиёсий жараёнларни мунтазам кузатиб бориши, умуман олганда, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши лозим. Шу боис «Сиёсий таълим маркази» қошида БПТ фаоллари учун қисқа ўқув машғулотлари ташкил этиб, партия аъзоларининг билим ва малакасини оширишга эътибор қаратаяпмиз.

## Қуйи бўғинга ишонч юқори

**ЧИНОЗ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ АҲОЛИСИ ЗИЧ ҲУДУДЛАРИДАН БЎЛГАНИ УЧУН ҲАМ ТУМАНДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР.**
**ХЎШ, БУ ЖАРАЁНДА O`ZLIDEP ТУМАН КЕНГАШИ ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЯПТИ, ЖОЙЛАРДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ НИМАДАН ИБОРАТ БЎЛМОҚДА?**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI ASR»



— Туманимизда партиянинг 35 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофига қарийб 525 нафар аъзони бирлаштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда, — дейди туман кенгаши раиси Анвар Бўриев. — Айни пайтда ташкилотчи, билимли ва ташаббускор кишиларни етакчиликка сайламоқдамиз. Бу тарғибот-ташвиқот ишларимиз, уюштираётган тадбирларимизнинг таъсирчанлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Айни пайтда халқ депутатлари туман кенгашига сайланган 30 нафар депутатдан 11 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Шу ўринда турли корхона ва идоралар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этиш орқали ёшларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилаётганимизни таъкидламоқчиман. Биргина ўтган йилнинг ўзида бошланғич ташкилотларимиз саъй-ҳаракати орқали 200 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Бу натижаларга асосан партиямизнинг «Ҳар бир фермерга — бир ўқувчи», «Ёш тадбиркор — элга мададкор», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари туфайли эришдик.

— **Депутатлик гуруҳи билан БПТлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Ҳар бир тадбир, албатта, депутатлик гуруҳи аъзоларининг иштирокисиз ўтмайди. Айниқса, маҳаллий ҳокимлик идоралари билан ҳамкорликда уюштирилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида депутатлик гуруҳи аъзолари фаол иштирок этаяптилар.

Маълумки, ҳар йили тумандаги касб-ҳунар коллежларини минг нафардан ортиқ ёшлар битириб чиқади. Уларни ишга қабул қилишда тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ана шуларни эътиборга олиб, бир неча йилдан буён корхона ва ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Яъни, касб-ҳунар коллежлари талабаларини ишга жойлаштиришни улар биринчи курсда ўқиётганларидаёқ бошлаяпмиз. Бунинг учун тадбиркор ва фермерга маълум касб, йўналиш бўйича таҳсил олаётган талаба бириктирилаяпти. Яъни, унинг амалиётни айни шу корхоналарда ўташи йўлга қўйилмоқда. Қарабсизки, 3 йилда бир корхонада амалиёт ўтаган талаба шу корхонага тайёр мутахассис сифатида ишга келаяпти. Айни пайтда бу усул ўзини оқлаб, яхши самара бераяпти.

— **Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотларининг роли қандай бўлаяпти?**

— БПТлар кўмаги, тавсияларисиз бу ишларни амалга ошириш қийин. Чунки айнан ана шу бўғин аъзолари жойлардаги реал ҳолатни, қай бир корхонага қанча ишчи-хизматчи кераклигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари, фермер хўжаликларидаги бошланғич ташкилотлар бу ишда фаол иштирок этмоқдалар.

# ХАБАРЛАР

### СЎХДА БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудуди — Сўх туманида кейинги пайтларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда. Масалан, яқинда бу ерда салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сўх чашма» хусусий фирмаси ташкил қилинди. Эътиборлиси, корхона раҳбари, O`zLiDeP фаоли Ҳабибулла Ёрматовнинг таъкидлашича, мазкур цехда 15 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Ёшлар хориждан келтирилган технологияларни қунт билан бошқариб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

### «ЁШ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР»

O`zLiDeP Чуст туман кенгаши Деҳқонобод маҳалласида шу мавзуда тадбир ўтказди. Унда БПТларнинг ёш етакчилари, партия аъзолари, шунингдек, банк филиаллари мутасаддилари қатнашдилар. Тадбирда сўзга чиққан O`zLiDeP туман кенгаши аппарат раҳбари Манзура Дадабоева юртимизда кичик бизнес субъектлари, хусусан, ёш тадбиркорларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятларда O`zLiDePнинг тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Бундан ташқари йиғилишда «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби партиявий лойиҳалар бўйича қатнашчиларга кенг тушунчалар берилиб, ўнлаб ёшлар ўзларининг бизнес-режаларини имтиёзли кредит олиш учун тижорат банклари вакилларига тақдим этишди.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ тайёрлади.**

### «БЕКА ЧАРОС» ҲАМ O`ZLIDEP АЪЗОСИ

**Пастдарғом туманидаги «Бека Чарос» хусусий тикувчилик корхонасида бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. Корхона раҳбари Гулбека Кўчқорова етакчилик қилаётган қуйи бўғин O`zLiDeP туман кенгаши томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда фаол қатнашиб, партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг аҳоли орасида тарғиб этишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда .**

**— Корхонамиздаги 20 нафар ишчи партия аъзолигига қабул қилинди, — дейди Г.Кўчқорова. — O`zLiDePнинг тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиши, бу борадаги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаши ходимларимизга айниқса маъқул бўлди. Биз ҳам яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2008 йилда банкдан 2 миллион сўм кредит олиб, иш бошлаган эдик. 2011 йил март ойида яна шу банкдан 25 миллион сўм кредит олиб, 18 та иш ўрни ташкил этдик. Ҳозирда ташкилотлар учун иш кийимлари, чойшаб, матрас, кўрпа-тўшак, болалар либослари ҳамда ётоқхона пардаларини ишлаб чиқариб, яхшигина даромад олаяпмиз.**

### «Аёллар қаноти» хабарлари

**Андижон вилояти.** «Аёллар қаноти»нинг «Қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган инсонни ёт ғояларга эргаштириш ва ёлғон йўлларга ундаш қийин» мавзуидаги минтақавий тадбирлари жойларда хотин-қизлар ва ёшларни огоҳликка даъват этмоқда. Куни-кеча O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши «Аёллар қаноти»нинг Андижон давлат университети талабалари билан ташкил этган учрашуви айнан шу масалага бағишланди. Эътиборлиси, бу каби тадбирлар ҳафта давомида Бухоро, Жиззах, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида ҳам ўтказилди.

**Хоразм вилояти.** O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Шовот туманида ўтказилган тадбир «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзуига бағишланди. Давра суҳбатида тижорат банкларида тадбиркорлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, инвестицияларни жалб этиш масалалари хусусида батафсил маълумот берилиб, тумандаги хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка даъват этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар кўмагидан фойдаланиш хусусида фикр юритилди.

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.**




МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА 2013 ЙИЛ УЧУН
XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА давом этмоқда.
*Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80*

# Банк тизими

KAPITALBANK

## Молиявий барқарорлик йўлида

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МОЛИЯ БОЗОРИДА ҚАРОР ТОПГАН СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ АҲОЛИГА ТЕЗКОР ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ, КРЕДИТЛАШНИНГ ТАЖРИБАДА СИНАЛГАН ЯНГИ АМАЛИЁТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»



«Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам ана шу талабдан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтираяпти. Банкнинг жойлардаги 13 та филиали ҳамда 71 та мини-банки ҳам ягона мақсад йўлида иш олиб бориб, мижозлар ишончи ва эътиборини қозонмоқда.

Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 161 377 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Бу борадаги хайрли саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Хусусан, 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 832 млн. сўм миқдорида кредит сармояси ажратилганлиги эътиборга моликдир. Бунинг натижасида тадбиркорлик янада ривожланиб, қўшимча 848 та янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 479 таси кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, банк кредитлари асосан иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқдаки, бу мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Биргина «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилавий бизнесни янада ривожлантириш, янги турмуш қурган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ўтган йили ана шу мақсадлар учун «Капиталбанк» томонидан 1 342 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Бунинг 544 млн. сўми микрокредитлар, 437 млн. сўми эса истеъмол кредитларидир. Миллий ҳунармандчилик халқимизнинг азалий қадриятларидан бири саналади. Ўтган йили ушбу соҳа тараққиёти учун 847 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Маиший техника ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун жисмоний шахсларга 880 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, жойларда қулай, сифатли ва тезкор хизматларни йўлга қўйиш «Капиталбанк» жамоасининг асосий мақсадларидан бири саналади. Шу боис инфокиосклар тизимини такомиллаштиришга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Бугун республика миқёсида банкнинг 3 мингта инфокиосклари фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, изланишлар самараси ўз-ўзидан аён бўлади. Жорий йилда бу борада янада катта режалар кўзда тутилган. Эндиги асосий вазифа жисмоний шахслар учун интернет ва мобил-банк хизматларини йўлга қўйиш, мини-банклар тармоғини янада кенгайтиришдан иборатдир. Ишонамизки, «Капиталбанк» жамоаси яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, яқин йиллар ичида хизмат сифати ва маданиятини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга эришади.

**Эълон**

# «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***Навоий филиали нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади***

**АУКЦИОН САВДОСИГА:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.04.2012 йилдаги 1743-сонли қарорининг 1-иловасига асосан Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 29.12.2012 йилдаги 95-П-сонли буйруғи билан қуйидаги давлат мулки объектлари қўйилмоқда:

— Зарафшон шаҳри ҳудудидаги НКМК (Навоий кон-металлургия комбинати) балансида бўлган «Рақс майдончаси», **бошланғич нархи 99498344 сўм;**
— Зарафшон шаҳри ҳудудидаги НКМК балансида бўлган фойдаланилмай турган 89101444-инвентарь рақамли гараж биноси, **бошланғич нархи 15.467.500 сўм.**
Аукцион савдоси 2013 йил 25 март куни соат 11.00 да Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уйда жойлашган Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2013 йил 22 март куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

**Аукцион савдосида иштирок этадиган талабгорлар диққатига:**
2013 йил 25 март кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 2 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 19.12.2012 йилдаги 02/08-3594-сонли хатига асосан қўмитанинг Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 01.02.2013 йилдаги 05-П-сонли буйруғи билан қуйидаги давлат мулки объекти қўйилмоқда:

— Навоий шаҳар ҳокимлиги уй-жойлардан ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига қарашли Навоий шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 22-уйнинг 1-қаватида жойлашган, ёрдамчи хўжалик учун ажратилган 50,15 кв.м.дан иборат 2 та хона, **бошланғич нархи 16.229.707 сўм.**
Аукцион савдоси 2013 йил 19 март куни соат 15.00 да Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уйда жойлашган Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2013 йил 18 март куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.
**Аукцион савдосида иштирок этадиган талабгорлар диққатига:**
2013 йил 19 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 26 март, 2 ва 9 апрель куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.
Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги бадал пулини **«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ** Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: **Х/р: 20208000404927571008,** АТ «Ипотека банк» Навоий филиали, **МФО:00205, ИНН: 207126662.** Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртмани тақдим этади:
— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси;
— хориж фуқаролари — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти нусхаси;
— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси.
Аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилиши керак.

**Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил:**
**Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг 2-қавати.**
**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Навоий филиали.**
**Тел: (8-436) 224-68-33, расмий сайт: www.realtgroup.uz»**
ЛИЦЕНЗИЯ № RR-0017.

## Янгиликлар

### «INDORAMA KOKAND TEXTILES» ҚЎШИМЧА 480 НАФАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

Калава-ип ишлаб чиқаришда ихтисослашган «INDORAMA KOKAND TEXTILES» Сингапур-Ўзбекистон қўшма корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирадиган бўлди.

55 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициявий лойиҳа ҳисобига иш бошлаган корхонада бугунги кунда 480 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизини ёш йигит-қизлар ташкил этади. Ўтган йил якунларига кўра, корхонада 48 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Корхона маҳсулотлари Италия, Франция, Германия, Польша, Бразилия, Аргентина, Колумбия, Эрон, Туркия, Бангладеш, Индонезия каби давлатларга экспорт қилинаётгани эса юртимизда енгил саноатнинг йил сайин ривожланиб бораётганидан дарак беради, албатта.

Қўшма корхона директори Равшанжон Тожиевнинг таъкидлашича, айни кунда корхонанинг иккинчи босқич қурилиш ишлари жадал олиб борилаяпти. Жорий йилнинг август ойида тўла қувват билан фаолият юритадиган корхонада яна 480 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ тайёрлади.**

### ЯККАБОҒДА ЯНА БИР СОВУТГИЧ

«Яккабоғ тайёрлов-савдо» корхонасида 300 тонна мевани сақлашга мўлжалланган совутгич ўрнатилди. Корхона раҳбари, тадбиркор Мансур Нормуродовга бу ишни амалга оширишда банкдан олинган 123,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит қўл келди.

— Туманимизда жуда кўп миқдорда ҳўл мева етиштирилади, — дейди тадбиркор. — Аммо сақлаш борасидаги муаммолар сабабли мева-чеванинг маълум қисми бекорга нобуд бўларди. Энди боғларимизда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида аҳолидан харид қилиб, қиш-баҳор мавсумида савдога чиқариш имконияти яратилди.

**Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.**

**Реклама** ўрнида

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1.________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2.________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3.________________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртмономага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари
________________________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар салоҳияти.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3-илова*

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ | | | |



# Ортга айланаётган ғилдирак

ШУ КУНЛАРДА ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА ҲАР ЙИЛИ ДУНЁДА 1 МЛН. 200 МИНГ КИШИ ҲАЛОК БЎЛАЁТГАНИ, 50 МИЛЛИОН ФУҚАРО ЭСА ТУРЛИ ДАРАЖАДА ТАН ЖАРОҲАТИ ОЛАЁТГАНИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТА БОШЛАДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Бундан 127 йил аввал яратилган автомобиль бир кун келиб шундай талафотларга сабаб бўлишини буюк кашфиётчилар Карл Бенц ва Генри Фордлар ҳатто ўйламаган ҳам бўлсалар керак. XXI асрга келиб дунё миқёсида 2,4 миллиарддан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилаётгани эса автомобилсозлик саноатининг кундан-кунга ривожланаётганидан далолатдир.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳар куни йўлларда 3 мингдан ортиқ, аксарияти 15 дан 44 ёшгача бўлган ёшлар нобуд бўлаяпти. Агар бу борада дунё ҳамжамияти томонидан жиддий бош қотирилмас экан, 2020 йилга бориб ўлим кўрсаткичи бўйича йўл-транспорт ҳодисалари ОИТС ва инсульт каби хасталиклардан ҳам ўзиб кетиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Шу ўринда бир далилга эътибор қаратайлик. Маълумотларга кўра, Англияда 1896 йилда биринчи автоҳалокат содир бўлиб, соатига 6 км. тезликда ҳаракатланаётган автоулов 2 кишининг ҳаётига зомин бўлган экан. Бугунга келиб эса ўша тезлик соатига 300 км.га етди. Бу инсоният тараққиёт йўлидан шиддат билан одимлаётганига яна бир ишорадир. Аммо замонавий техниканинг ана шундай ютуқлари беихтиёр миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлаётганини ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим.

2011 йилда қайд этилган маълумотларда АҚШда ҳар минг нафар фуқарога 765 та автомобиль тўғри келаётгани, Люксембургда бу кўрсаткич 686 тани ташкил этиши таъкидланмоқда. Зеро, бу кўрсаткичлар дунёнинг барча давлатларида бирдек ошиб бормоқда. Жаҳон банки мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур соҳада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмаса, 2020 йилга келиб биргина Жанубий Осиёда ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2000 йилга нисбатан 144 фоизга ортиши, Ҳиндистонда эса бу кўрсаткич 2042 йилгача ўсиб бориши тахмин қилинаяпти. Ўрта Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида ҳам ўлим ҳолатлари 68 фоизга ортиши айтилмоқда. Бундай рақамлар кўнгилсизликларнинг олдини олиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида эканини кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда асосан Осиё ва Тинч океани ҳудудларида автотранспорт воситалари сони нисбатан тез кўпаймоқда. Айрим мамлакатларда бу кўрсаткич ҳатто аҳоли сонидан ҳам юқорилаяпти. Шу билан бирга айни минтақада автоҳалокатлар туфайли ҳаётдан кўз юмаётганлар сонининг юқори эканлиги бу борада зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Ана шуларни инобатга олган ҳолда «Rio+20» саммитида Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки ва еттита йирик молия муассасаларига 175 млрд. АҚШ долларига тенг транспорт мажбуриятлари юклатилди. Мақсад, ушбу соҳани янада ислоҳ қилиш, атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини камайтириш билан боғлиқ муаммони бартараф этишдир.

Кўҳна қитъа ҳам ушбу муаммолардан мустасно эмас. Айни пайтда Европада содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар кунига 350 нафарга яқин ёки йилига 127 мингдан ортиқ инсонни ҳаётдан олиб кетмоқда. Бу ўртача бир шаҳар аҳолисига тенгдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунёда жароҳатланиш натижасида 45 млн. нафар киши ногирон бўлиб, уларнинг 30 миллиони автоҳалокатлар туфайли мажруҳлар сафига қўшилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, автоҳалокатларнинг асосий сабаби маст ҳолда рулга ўтириш, тезлик чекловларига риоя қилмаслик, ҳайдовчиларнинг пиёдаларга нисбатан ҳурматсизлиги ва бошқа объектив ҳамда субъектив омиллардир. Гарчи дунё ҳамжамияти автоҳалокатлар билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир жиддий чоралар кўраётган бўлса-да, бахтсиз ҳодисалар сони камаймаяпти.

Хусусан, 2012 йилда Австралия ҳукумати маст ҳолда автотранспорт бошқарганлар учун махсус ҳайдовчилик гувоҳномасини таъсис этди. Бунда йўл қоидасини бузган кишига олти ойдан бир йилгача ўз кучида қолувчи гувоҳномалар бериладиган бўлди. Агар шу вақт орасида ҳайдовчи яна маст ҳолатда автомобиль бошқарса, унга қамоқ жазоси тайинланиши ва катта миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилди. Ҳукумат вакилларининг сўзларига кўра, янги қонун автоҳалокатлар оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар сонини қисқартириб, сарф-харажатлар миқдорининг кескин пасайишига олиб келади.

Шу ўринда автоҳалокатлар масаланинг бир томони бўлса, унинг оқибатида йиллик глобал харажатларнинг ақлга сиғмас даражада ортиб кетаётганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳайдовчилар ва пиёдалар томонидан йўл қўйилаётган хатолар туфайли рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисалари 1 йилда дунё иқтисодиётига 518 млрд. АҚШ доллари миқдорида зиён келтирмоқда. Биргина АҚШ иқтисодиёти ҳар йили ана шу фалокатлар туфайли 230 млрд. доллар миқдорида зарар кўраётир. Бу мамлакат миллий маҳсулотининг 2,4 фоизи миқдорига тенг маблағдир. Ушбу муаммолар Европа Иттифоқини ҳам четлаб ўтмаяпти. Маълумотларга қараганда, бу ерда автоҳалокатлар туфайли кўрилаётган зиён йилига 180 млрд. еврони ташкил этмоқда. Иқтисодчи олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мазкур маблағ Евроиттифоқнинг йиллик бюджетидан ҳам кўпдир.

Бир сўз билан айтганда, XXI асрга келиб ушбу масала ҳам башариятнинг энг чигал муаммоларидан бирига айланди. Буни сезмаслик ёки бир чеккада қўл қовуштириб ўтириш ўзини-ўзи ўлимга маҳкум қилиш билан баробардир. Афсуски, бугун миллиардлаб автомобилларнинг тинимсиз ҳаракатланаётгани атмосферанинг ифлосланишини ҳам жадаллаштирмоқда. Сайёрамизда аҳолининг кўпайиши ва катта шаҳарлар кўчаларида вужудга келган автомобиль тирбандликлари XX аср бошларида электр энергиясида ишловчи жамоат транспортлари яратилишига олиб келди. Бироқ улар кутилганидек оммалашмади. Фақат XXI асрга келиб заҳарли газни камроқ чиқарувчи ва экологик тоза транспортга бўлган эҳтиёж туфайли бундай техникалар яна долзарб аҳамият касб эта бошлади. Шунинг учун ҳам ёқилғида юрадиган автомашиналарнинг соат сайин кўпайиши, нефть заҳираларининг эса борган сари камаяётгани инсониятни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга мажбур этмоқда. Экологик жиҳатдан энг мақбул энергия манбаи бу қуёш батареялари экани барчага кундек равшан. Гарчи фойдали иш коэффициенти нисбатан пастлигига қарамай, жуда кўп илмий муассасалар қуёш энергиясида ҳаракатланадиган автомобилларни яратиш борасида муайян натижаларга эришмоқдалар. Швейцариялик мутахассисларнинг таъкидлашича, электромобиллар кенг кўламда ишлаб чиқарилган тақдирда унинг нархи бензинда юрадиган автомобиллар нархига тенг, ҳаттоки улардан юқори бўлиши ҳам мумкин. Баъзи маълумотларда АҚШнинг Стенфорд университети олимлари ҳайдовчисиз автомобиллар устида иш олиб бораётганлари ҳам таъкидланаяпти.

Умуман олганда, XXI аср автомобилсозлик саноати шиддат билан ривожланаётган асрга айланди. Инсон тафаккурининг юксак маҳсули бўлган бу техника воситасини изга солиш, унинг атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини камайтириш, энг асосийси, содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш эса дунё ҳамжамиятини бу борада яна бир карра жиддий бош қотиришга ундамоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати Омонулла Исломовга укаси **Шукрулло Исломов**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

O`zLiDeP Бўстонлиқ туман кенгаши кенгаш раиси Ҳалима Ашировага падари бузрукворлари **Мирсидиқ ҳожи ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Эълон

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**
**«ARSH SAVDO–ELIT»**
**МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**
Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Пушкин кучаси, 43-уйда жойлашган 3-сон ҳарбий савдо ташкилотининг 12.01.2013 йилдаги 12-сонли алоқа хатига асосан ташкилотга қарашли қурилиш моллари (моддий товарлари);
1. Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 36-уйда жойлашган ошхона ва ательє биноси бузилганда келиб чиққан қурилиш моллари (пишиқ ғишт — 89003 дона, шифер — 344 дона, ёғоч тусин 9 м. — 59 дона, ёғоч тусин 5,35 м. — 27 дона, ёғоч тусин 4,9 м. — 8 дона, ёғоч тусин 4,1 м. — 3 дона, ёғоч тусин 3,2 м. — 5 дона, ёғоч тусин 9,35 м. — 13 дона, ёғоч тусин 2,25 м. — 4 дона, стропила 5,8 м. — 130 дона, пол тахта 2,5 см. 219,54 дона) жами умумий бошланғич баҳоси 25 722 752 (йигирма беш миллион етти юз йигирма икки минг етти юз эллик икки) сум.
Аукцион савдоси 2013 йил 16 март куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси булиб утмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 18,19,20 март кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кучаси, 30-уй, 215-хонада булиб утади.
2. Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги 78328-сонли ҳарбий қисмнинг 07.02.2013 йилдаги 41/18-128-сонли алоқа хатига асосан ҳарбий қисм балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қайта аукцион савдоларига қўйилмоқда:
— 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 17мх5471 булган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 6 366 000 (олти миллион уч юз олтмиш олти минг) сум;
1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 17мх5470 булган «УАЗ-31512» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 7 654 000 (етти миллион олти юз эллик турт минг) сум.
Аукцион савдоси 2013 йил 1 март куни соат 11.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси булиб утмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 4,6,9,11,13,15 март кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кучаси, 30-уй, 215-хонада булиб утади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар булимининг **20208000904456131001 ҳисоб рақамига, МФО: 00074, ИНН: 205987298** тулашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси утказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳри, А.Навоий кучаси, 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзил ва телефон:**
«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 215-хона.
Тел: (+99891) 606-88-81, (+99890) 269-88-81.
Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома N00126.

# ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

## ИНЖИҚ ТАБИАТ ЎЗ ҲУКМИНИ ЎТКАЗМОҚДА



Италияда ҳукм сураётган кучли совуқ натижасида мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида кутилмаган муаммолар пайдо бўлмоқда. Хусусан, Эмили-Романье, Тоскан ва бошқа провинциялар йўлларида юк машиналари қатнови тўхтаган. Бунинг оқибатида эса савдо шохобчаларида озиқ-овқат танқислиги юзага келган. Енгил автомобиллар эса шиналарига махсус занжир таққан ҳолда ҳаракатланаяпти.
Бундан ташқари, табиат инжиқликлари туфайли мамлакатнинг кўплаб шаҳарларида мактаблар ҳам ёпилган. Энг ачинарлиси, Римда коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда.
Синоптиклар бундай об-ҳаво ҳафта охиригача давом этишини таъкидлашмоқда.

## ТЕЛЕФОН БАҲОСИ — 10 МИНГ



«Vertu» компанияси Android операцион тизимида ишлайдиган илк телефонини чиқарди. Фақат қўл меҳнати орқали тайёрланган ускунанинг корпуси титандан, дисплейи зангори ёқутдан, қолган қисмлари эса чармдан ишланган ушбу телефоннинг бошланғич нархи 10 минг АҚШ долларига тенг, дея баҳоланмоқда.
Эслатиб ўтамиз, «Nokia» 1998 йилда «Vertu» компаниясига асос солган бўлиб, ушбу компания бадавлат харидорларга мўлжалланган телефон аппаратлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Мазкур «сотка»ларнинг нархи бир неча юз минг еврогача кўтарилган.

## НОГИРОНЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Латвия ҳукумати йўл-транспорт тизимини ислоҳ қилишга киришди. Расмий Риганинг баёнот беришича, жорий йилнинг 20 мартидан эътиборан 3-гуруҳга мансуб ногиронлар ва мактаб ўқувчилари учун махсус йўл чиптаси жорий этилади.
«Rigas satiskme» ташкилотининг ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу имтиёз кучга киргач, мамлакатдаги 3 миллиондан зиёд 3-гуруҳга мансуб ногиронлар ва 1,23 млн. нафар мактаб ўқувчиси жамоат транспортида бепул юриш имконига эга бўлишади.

## ОЛТИНГА ТЕНГ МАҲСУЛОТ



Хабарларга қараганда, Гватемаланинг кофе плантацияларига мазкур ўсимликнинг энг хавфли душмани — занг касали қирон келтирмоқда. Бундан мамлакат иқтисодиёти ҳам катта зарар кўраяпти. Чунки ушбу мамлакатнинг ярим миллион аҳолиси асосан кофе бизнеси билан шуғулланади, 700 минг киши эса бевосита йиғим-терим ишлари билан банд. Айни пайтда кофе плантацияларига ёпирилган занг касаллиги туфайли 100 минг нафар маҳаллий аҳоли ишсиз қолган. Бу хавфли касаллик нафақат Гватемала, балки Гондурас, Сальвадор, Коста-Рика ва Панама давлатларини ҳам четлаб ўтмаяпти.

## Реклама



# Сўнгги саҳифа

**Эксклюзив**

## Сариқ чизиқ бор жойда тўхтасангиз, жаримага тортиласиз

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ МАСЪУЛ ХОДИМИ, ПОДПОЛКОВНИК МАНСУРЖОН РИХСИЕВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ



**— Кейинги йилларда барча соҳаларда бўлганидек, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бериб, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтингчи, ана шундай ўзгаришлар иш жараёнига қандай таъсир этмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, мавжуд қонун ва қоидаларга, меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилаётгани натижасида соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш мақсадида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам кенг фойдаланаяпмиз. Хусусан, бошқармамизда йўл-транспорт ҳодисаларини қайд этишнинг марказлаштирилган электрон базасини юритиш амалиёти жорий этилди. Ушбу маълумотлар ЙТҲ ҳисобини юритиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни белгилаш ва вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш имконини бермоқда.

Автомототранспорт воситалари бўйича ҳам ягона электрон маълумотлар базаси юритилиб, улар бўйича ахборот алмашинуви ҳудудий ЙҲХБларидан ИИБларнинг коммуникация тармоқлари орқали республика ИИВ Ахборот марказида жамланади. Бу эса транспорт воситаларини рўйхатга олиш операцияларини қисқа муддатда ва фуқаролар учун қулай тарзда бажариш имконини яратди.

**— 2011 йилга нисбатан қиёслаганда қанча йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди?**

— Амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу борадаги кўрсаткичларни ҳам ижобий томонга ўзгартираётганини кўрсатаяпти. Масалан, 2012 йилда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 2011 йилга нисбатан 2,8 фоиз, ҳалок бўлганлар 0,1 фоиз, жароҳат олганлар эса 3,5 фоизга камайди.

Кези келганда йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси эмаслигини айтишни истардим. Чунки ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Йўлга чиқдингизми, йўл ҳаракати иштирокчисига айланасиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш шарт ва зарур.

**— Айни пайтда катта чорраҳаларда кузатув камералари ўрнатилмоқда. Улардан фойдаланиш механизми ҳақида қисқача маълумот берсангиз.**

— Бу ерда гап «Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш» лойиҳаси устида кетаяпти.

Мазкур лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад пойтахтимиз кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлаш, ҳаракат қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳимояланганлик даражасини ошириш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ҳамда профилактика қилиш ишларини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Бунинг учун назорат қилинадиган ҳар бир объект (чорраҳа) интеллектуал детекторлар, контроллерлар, ҳаракатни назорат қилувчи замонавий техник воситалар (видеокамера, фоторадар, фиксатор) билан жиҳозланиши белгиланган. Бундай чорраҳаларда барча фуқаролар учун махсус хизматларни (Ички ишлар, тез тиббий ёрдам ва ҳ.к) чақириш воситалари ҳам ўрнатилади. Светофорлар детекторлардан ҳаракат оқими тўғрисида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали автоматик тарзда бошқарилади. Патруль автомобиллари ахборот маркази билан симсиз алоқа тизими орқали боғланади ва ўзаро маълумотлар алмашинуви амалга оширилади.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ОҒИР ОҚИБАТЛИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИНГ АСОСИЙ САБАБИ БЎЛГАН ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ҚОИДАБУЗАРЛИГИГА ҚАРШИ КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИШ МАҚСАДИДА ҲОЗИРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ФОТОРАДАР КОМПЛЕКСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА.

Республикамиз автомобиль йўлларида содир этилаётган оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишининг асосий сабаби бўлган тезликни ошириш қоидабузарлигига қарши кескин чоралар кўриш мақсадида ҳозирда замонавий технологияларга асосланган фоторадар комплексларидан фойдаланилмоқда. Уларнинг кенг қўлланилиши натижасида йўл ҳаракати қатнашчилари, хусусан, ҳайдовчилар ўртасида қонуннинг устуворлиги ва ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги борасида таъсирчан профилактик амалиётига эришилди, йўлларимизда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларидан бири бўлган тезликни ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сонининг камайишига замин яратилди.

**— Ҳозирги кунда йўллар четида, бекатлар атрофида сариқ чизиқларга гувоҳ бўлаяпмиз. Айтингчи, бундай чораларнинг сабаби нимада?**

— Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиқлар, ишоралар, ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартибини белгилайди. Ётиқ чизиқлар асосан оқ рангда бўлади. Фақатгина «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 1.4, 1.10 ва 1.17-бандларида белгиланган чизиқлар сариқ рангда бўлади. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми ёки йўл четидаги тўсиқлар (бордюрга) чизилган сариқ чизиқ (1.4 рақамли йўл чизиғи) транспорт воситаларининг тўхташини тақиқлайди. Лекин унинг белгиланган йўналишли транспортларга дахли йўқ бўлиб, бу чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.

**— Айни пайтдаги қонунчиликда йўл ҳаракати қоидасини бузган пиёдаларга нисбатан қандай чоралар кўриш белгиланган?**

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 138-моддасига асосан пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

**Шухрат РАҲИМОВ ёзиб олди.**

# ХАБАРЛАР

### ЕВРОПАЛИКЛАР МУЗҚАЙМОҚҚА ТЎЙИШМОҚЧИ

Бундан буён 24 март кунини бутун Европа аҳли «музқаймоқ байрами» сифатида нишонлайдиган бўлди.

Ширинлик, музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган «Sigep» (Италия) компанияси томонидан тавсия этилган мазкур лойиҳани Европарламент ҳам маъқуллади. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 24 мартида Италия, Франция, Португалия, Бельгия, Германия, Голландия, Буюк Британия, Чехия, Австрия ва Испаниядаги 50 мингдан ортиқ қаҳвахона ва ресторанларда нишонланадиган байрамда ширинликсевар хўрандаларга 100 хил кўринишдаги «муздек дисертлар», шунингдек, айнан ана шу байрам учун сут, шоколад ва майдаланган бодом бўлакларидан тайёрланиб, 1 евродан сотиладиган «Европа фантазияси» номли махсус музқаймоқ турини тавсия этиш режалаштирилган.

**Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

### КАМРОҚ ТУЗ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ. ЧУНКИ...

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти аҳолига истеъмол қилиш учун тавсия этилган тузнинг (NaCl) кунлик меъёрларига ўзгартиришлар киритди.

Хусусан, ташкилот кўрсатмаларига кўра, келажакда юрак-қон томир касалликларига йўлиқишни истамаган ота-оналар 2 ёшгача бўлган фарзандларининг таомларига умуман туз солмасликлари лозим экан. Шу маънода 2-3 яшар болаларга бир кунда 0,5 грамм, катталарга эса 2 грамм туз истеъмол қилиш тавсия этилаяпти.

Зеро, хлорли натрий — сут, тухум ва помидор каби маҳсулотларда табиий ҳолда тўпланиши, «фри» картошкаси ёки чипс каби шўр «таомлар»нинг 100 граммига 2,2 грамм туз солинишини айтиб ўтиш лозим.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

**Фаолият**

## ММM РЕЙТИНГИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ — БИРИНЧИ!

Маълумотларга қараганда, вазирликлар, қўмита ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилаётган матбуот анжуманларида 100 га яқин маҳаллий ҳамда хорижий (34 та) оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Аҳамиятли томони шундаки, МММда уюштирилаётган мулоқотларда иштирок этишга интилаётган ташкилот ва муассасалар, шунингдек, улар томонидан ўтказилаётган анжуманлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда мазкур маскан 29 та тадбирга мезбонлик қилган бўлса, 2010 йилда 45 та, 2011 йилда эса 85 та матбуот анжумани ташкил этилди. 2012 йилда эса бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга ўсиб, 206 тани ташкил этди.

— Барча ҳамкор ташкилотлар матбуот анжуманларини юқори савияда ташкиллаштириш, жумладан, журналистлар эътиборига соҳа фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ва видеофильмларни ҳавола қилишга, шунингдек, ОАВ ходимларини турли маълумотлар билан таъминлашга ҳаракат қилади, — дейди марказ раҳбари Шавкиддин Ғаниев. — Намунали матбуот анжумани ташкилотчилари ҳақида гап кетар экан, 2012 йил давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 19 та тадбир ўтказилгани, бу борада Марказий банк (11 та анжуман), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (9 та), Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши (7 та), Табиатни муҳофаза қилиш (6 та ) ҳамда Давлат божхона (5 та) қўмиталари, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК каби давлат бошқаруви органлари бошқа идораларга нисбатан фаоллик кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш мумкин.



## УНУТМАНГ, ФАҚАТ 2 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГАЧА...

Амалдаги тартибларга мувофиқ, бугун республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишларига рухсат берилган. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб кетиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилиши кўпчиликка маълум.

Мазкур тартиблар ҳақидаги эслатмалар барча божхона постларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган. Аммо шунга қарамай, сафарга отланган юртдошларимиз ва хорижликлар томонидан нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб чиқилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон учраб турибди.

Яқинда «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинганини таъкидлаш жоиз. Масалан, Дубайга йўл олган пойтахтлик Э.Мавлянов 3500 АҚШ долларидан жудо бўлди. Чунки у белгиланган миқдордан ортиқ нақд валютани яширин йўл билан олиб чиқишга уринган. Москвага йўл олган С.Кравченконинг эса оз эмас-кўп эмас, 15 минг АҚШ долларини чўнтакларига жойлаганча олиб чиқишга уринган пайтида сири фош этилди.

Ҳозирда шу каби ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**«Тошкент-Аэро» ИБК Ахборот хизмати.**

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур**

## *Раҳм қилғил манғаким, сарғаштадурмен, ҳам ғариб*

*Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,*
*Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга!*

*Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур басе,*
*Меҳру вафо — рақибға, жавру жафо — манга.*

*Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,*
*Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.*

*Оҳу ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,*
*Билдим: ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.*

*Дардим кўруб, муолажада зоеъ этма умр —*
*Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво манга.*

*То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,*
*Ташвиш бежиҳатдурур охир санго, манга.*

*Бобур, бўлубтурур икки кўзум йўлида тўрт,*
*Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.*

***

*Ул парининг тиғидин қўрқутма мени, эй рақиб,*
*Ишқида бошимға менинг ҳар не келса, ё насиб!*

*Эврулуб бошингға, эй ой, қилмишам тарки ватан,*
*Раҳм қилғил манғаким, сарғаштадурмен, ҳам ғариб.*

*Телба бўлмоқлиғдин ўзга чорае йўқтур манга,*
*Ул парирў ногаҳон ар чиқса уйдин ёсаниб.*

*Жонда беркитган ўқин чекмак манга ранжедурур,*
*Қўйғил ул ўқни, чекай деб ранж чекма, эй табиб!*

*Бобуро, ҳаргиз қулоқ шеърингға ул гул солмади,*
*Гулга не парвое, юз фарёд қилса андалиб.*

**Қутлуғ** сана

## БУЮК БОБОЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил этди.

Унда Республика Маънавият тарғибот маркази, «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳри ва вилояти масъул ходимлари, олимлар, шоирлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида маънавий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Халқимизнинг маънавий ҳаёти акс эттирилган шеърий ва насрий асарлар, ўлмас достонлар ва илмий рисолалар яратган Алишер Навоий, мумтоз шеъриятимиз намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизгача етиб келган тарихий ва бадиий мерослари халқимизнинг бебаҳо мулки эканлиги мамнуният билан қайд этилди.

Маданий-маърифий тадбирда Навоий ва Бобур ғазалларидан ижро этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга ўзгача кайфият бахш этди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ, «Туркистон-пресс»**

**Спорт**

## ЁШ ПОЛВОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Қарши шаҳридаги кураш марказида 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган икки юзга яқин ўғил-қиз миллий кураш бўйича маҳорат сирларини ўрганмоқда. Кураш маркази барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Марказ спортчилари орасида чемпионлар кўп. Жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони Давлат Абраев, нуфузли халқаро турнирлар ғолиблари Шаҳобиддин Пирназаров, Жалолиддин Авазов, Ўзбекистон чемпионлари Умид Жўраев, Дилафрўз Абдураҳимова каби спортчиларга ҳавас қилиб, марказга келаётган болалар сафи тобора кенгаймоқда.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ, (ЎзА) олган суратлар.**

**Бунёдкорлик**

## САМАРҚАНДНИНГ ЯНА БИР ДАРВОЗАСИ ЯНГИЛАНАЯПТИ



Самарқанд шаҳрининг қадимий дарвозаларидан бири — Панжакентда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

— Шаҳарнинг энг серқатнов қисмларидан бўлган мазкур кўчани реконструкция қилишнинг биринчи босқичи 2010 йилда бошланган эди, — дейди «Самарқанд ободончилиги» МЧЖ раҳбари Сайфулла Жўрақулов. — «Йўлбарслар хиёбони»дан бошланган ишлар 27-умумтаълим мактабигача давом эттирилиб, кўчанинг қатнов қисми 9 метрдан 19 метрга етказилди.

Маълумотларга кўра, бу лойиҳа учун давлат бюджетидан 9 миллиард сўмга яқин маблағ ажратиш режалаштирилган бўлиб, шундан йўл қурилишига 2 млрд. сўм, ер ости кабелларини кўчириш учун 549 млн. сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, қурилиш ишлари давомида йўлнинг жарликлар ёқасидаги чуқур жойларини тўлдириш, шу ердан оқиб ўтувчи чашмалар ва оқар сувлар учун бетон қувурлар ётқизиш, реконструкция ишларининг Садриддин Айний кўчасигача давом эттириладиган иккинчи босқичи якунлангач, кўчани Тошкент-Термиз автомобиль йўлига туташтириш режалаштирилган.

**Муҳаббат РАВШАНОВА тайёрлади.**

**Саноат**

## НУРОТА ТРИКОТАЖИ — ЭКСПОРТГА

Нурота тумани шу пайтгача фақат мармар плиталари ишлаб чиқариладиган саноат ҳудуди ҳисобланар эди. «Нурота туманини 2012 йилда комплекс ривожлантириш ҳудудий дастури»га асосан яқинда бу ерда «NUROTA TEXTILE» МЧЖ ҳам ўз фаолиятини бошлади.

— Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2 миллиард 700 миллион сўмга тенг бўлган корхона 100 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади, — дейди туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси Аброр Суннатов. — Уларнинг аксариятини ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бўлган ёшлар ташкил этади.

Маълумотларга кўра, МЧЖда ишлаб чиқариладиган болалар трикотаж маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган.

**Мансур АСЛОНОВ тайёрлади.**



## ҒАРОЙИБ ҚЎЗИЧОҚ

Хабарларга кўра, Франциянинг Кондеон шаҳрида 5 оёқли қўзичоқ туғилган. Айни пайтда Ион Деляжа фермасида дунёга келган кичкинтой барчани бирдек ҳайратга солмоқда. Уни кўриш иштиёқида қўшни шаҳарлардан келаётган меҳмонларнинг кети узилмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, кичкина қўзичоқдаги бешинчи оёқ ҳеч қандай вазифани бажармайди. Яъни қўзичоқ ҳаракатланаётган пайтда у иштирок этмайди.

**Реклама**

**Республикамиздаги вазирлик, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар диққатига!**

«Шарқ Имп Экс» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликларга эга бўлган саёҳатлар уюштиришини маълум қилади. Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.

**Маълумот учун телефонлар: (+99898) 273-02-95, (+99895) 507-04-60**

Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215 63 80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 6431. Тираж: 24 010
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ. А.МУЗАФФАРОВ.